

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОЛДАСОВА ШАХНОЗА БАТИРОВНА

**ЧЕТ ЭЛ ҲУҚУҚИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ҚўЛЛАШ
МУАММОЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Жолдасова Шахноза Батировна Чет эл хуқуқини миллий қонунчиликда қўллаш муаммолари.....	3
Joldasova Shakhnoza Batirovna Problems of application of foreign law in national legislation.....	27
Жолдасова Шахноза Батировна Проблемы применения иностранного права в национальном законодательстве.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published scientific works Список опубликованных научных работ.....	51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Уш.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОЛДАСОВА ШАХНОЗА БАТИРОВНА

**ЧЕТ ЭЛ ХУҚУҚИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДА ҚўЛЛАШ
МУАММОЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тadbиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий ағтестация комиссиясида В2020.4.PhD/Уи425 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferallar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Насрнев Илхом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Абдурахмонова Хосиятхон Бахтиёржон қизи
юридик фанлар доктори (DSc), профессор в.б.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги **Юристлар малакасини ошириш**
маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 20 ноябрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб Утади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (993-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36.

Диссертация автореферати 2021 йил 2 ноябрь кунин тарқатилган.
(2021 йил 5 ноябрдаги 15-рақамли йўриқ билан баённомаси).



С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
уринбосари, юридик фанлар доктори,
профессор

Д.Ю.Хабнбуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар номзоди,
профессор

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши, глобаллашув жараёнлари ва давлатлар ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиб бориши ва ривожланиши бир мамлакат ҳудудида бошқа мамлакат ҳуқуқини қўлланилишини талаб этадиган ҳолатларни юзага келтирмоқда. Ҳозирги вақтда бу каби ҳолатлар турли шартномавий ва шартномадан ташқари муносабатларда, турли давлатлар субъекти бўлган тарафлар ўртасидаги низоларда юзага келмоқда ва ҳуқуқни қўллаш доирасида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Миллий суд статистикасига асосан охириги уч йилда чет эл ҳуқуқини қўллашга доир иккита иқтисодий иш ва халқаро шартномалар талабларини қўлланган бир қатор фуқаролик ишлари қўрилганлиги маълум бўлди¹. Ушбу кўрсаткичлар мазкур масалаларнинг миллий қонунчилик ва суд амалиёти доирасида етарлича ўрганилмаганлигини ва шунга мувофиқ қўлланилмай келаётганлигидан далолатдир.

Жаҳонда давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам, моддий ва коллизия нормаларни, жумладан чет эл ҳуқуқи нормаларини тўғри қўллаш ва уларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш масалалари вужудга келиши мумкин бўлган халқаро хусусий-ҳуқуқий низоларнинг олдини олишга ёки бундай низоларни адолатли ҳал этишни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда қонун устуворлигини таъминлаш, халқаро савдо-иқтисодий муносабатларни, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳамда фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини барча мамлакатларда ҳимоялаш механизмларини яратиш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва ақил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш»² мамлакат ривожланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида баҳоланган бўлиб, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги Фуқаролик кодекси³, 2018 йил 24 январдаги Иқтисодий процессуал кодекси⁴, 2018 йил 22 январдаги Фуқаролик процессуал кодекси⁵, 2006 йил 16 октябрдаги

¹ Статистика Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий хати асосида берилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базиси 13.01.2021-й., 03/21/663/0013-сон.

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базиси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон.

ЎРҚ-64-сон «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги, 2021 йил 16 февралдаги ЎРҚ-674-сон «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармони ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чет эл ҳуқуқини қўллашга доир масалаларнинг ҳуқуқий таҳлили, чет эл ҳуқуқи нормаларига ҳуқуқий баҳо бериш, уларнинг мазмунини аниқлаш, катъий нормаларни қўллаш ва оммавий тартиб тўғрисидаги изохни қўллаш, бу борадаги халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш тартиби ва хусусиятларига доир айрим масалалар мамлакатимизнинг олимларидан – Ҳ.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов, И.Р.Рустамбеков, Б.Б.Самарходжаев, С.Ҳамраев, Н.Х-А.Раҳмонқулова, З.Ш.Шамухамедова, Д.А.Огай, Б.Т.Мусаев, Х.Б.Абдурахмонова ва бошқаларнинг¹ илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

МДҲ давлатларида тадқиқ қилинаётган мавзу йўналишида сўнги йилларда тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар сифатида Л.А.Луниц, В.А.Канашевский, М.М.Богуславский, И.В.Гетьман-Павлова, Т.Н.Нешатаева, Л.П.Ануфриева, Г.К.Дмитриева, Н.Ю.Ерпылева, В.Л.Толстых, В.П.Звеков, Х.Шак, О.В.Новикова, Ю.Г.Морозова, Е.Б.Леанович, С.В.Мартынюк, А.А.Мережко ва бошқаларни² кўрсатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда чет эл ҳуқуқини қўллаш ҳамда унда янги ҳуқуқий механизмларни ривожлантиришни сўнги йилларда тадқиқ қилган олимлар сифатида Reynolds W., Batiffol H., Lagarde P., Pillet A., Vischer F., Haller S.M., Cavers D.F., Gutmann D., Farkas J., Clark D.S., Freeman M., Geeroms S., Dannemann G., Fentiman R., Lalive P., Nishino K., Drahoza C., Zoller R. ва бошқаларни³ кўрсатиш мумкин.

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Бирок мамлакатимизда ўтказилган номлари келтирилган олимларнинг ишлари коллизия нормалар ва чет эл ҳуқуқини қўллашнинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилашга доир муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари комплекс тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва таваккалчилик хавф-хатарини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмини яратишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш» номли фундаментал лойиҳаси (2019-2021й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллашнинг тартибга солинишини янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чет эл ҳуқуқи нормалари ва чет эл ҳуқуқига ҳавола этиш тушунчаси ва моҳияти аниқлаш;

чет эл ҳуқуқини қўллаш асосларини очиб бериш;

чет эл ҳуқуқига ҳавола этишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш институти ҳуқуқий тартибга солиш манбаларини таснифлаш;

чет эл ҳуқуқи нормалари қўлланилишига ҳуқуқий баҳо бериш;

чет эл ҳуқуқи нормаларини аниқлаш ва асослантиришнинг хусусиятларини аниқлаш;

чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этишнинг ҳуқуқий асосларини тавсифлаш;

чет эл ҳуқуқи нормаларини мазмунини аниқлаш ёки лозим даражада аниқлашнинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлаш;

чет эл ҳуқуқини қўллаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқини қўллашга доир илмий-амалий муаммолар, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли таҳлил, киёсий-ҳуқуқий, мантиқий, умумлаштириш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотларни таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш ҳамда уларнинг мазмунини аниқлаш зарурати, чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлашда судлар тегишли ваколатли органларга мурожаат қилиши ва аниқлик киритиши, шунингдек экспертлар жалб этиб уларнинг хулосаларини қўллаш тартиби асосланган;

фуқаролик ва иқтисодий ишлар доирасида Ўзаро ҳуқуқий ёрдамни такомиллаштириш, бунда чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш ҳамда хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш механизмларини халқаро шартномалар талабларига мувофиқ қўллаш тартиби ҳамда бу жараёнда коллизия ва моддий адолат тамойилини таъминлашга қаратилганлиги асослаб берилган;

чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган барча субъектларнинг манфаатларини чет эл ҳуқуқи энг яхши тарзда ҳимоя қилиши кўрсатилиб, бунинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш, уларнинг мазмунини аниқлаш, императив нормалар ва оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳни қўллашга доир нормаларни миллий қадриятлар ва манфаатлар асосида такомиллаштириш зарурати асосланган;

халқаро даражада чет эл ҳуқуқи қўлланилиши коллизия нормалар ва Ўзаролик принципларига асосланганлиги ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида коллизия, моддий ва процессуал нормалар Ўзаро алоқадорлиги асосланиб, комплекс Коллизия ҳуқуқ кодексини ишлаб чиқиш зарурати кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самардорлигини ошириш, хусусан чет эл ҳуқуқий нормалари мазмунини аниқлаш имконини берадиган чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлаш тўғрисида алоҳида норма киритилиши билан халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши зарурияти концептуал жиҳатдан асослаб берилди;

судлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, нотариат, шунингдек халқаро арбитраж суди чет эл ҳуқуқи нормаларини қўлловчи ва уларнинг мазмунини аниқловчи ташкилотлар сифатида белгилаб берилди;

суд процесси бошланишигача ва бошлангандан кейин процессуал ҳуқуқни танлаш тўғрисида битим тузиш имконияти ва тартибни белгилайдиган нормаларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекслардаги чет эл ҳуқуқи нормалари ва бошқа ижтмоий нормалар далилларини йиғишни тартибга соладиган нормани аниқлаш зарурияти асослаб берилди;

чет эл хукуки нормаларининг мазмунини аниқлаш зарур бўлган низоларни ҳал қилиш мақсадида, суд қатъий ҳаракатлар ва чоралар қўриши шартлиги, шунингдек, суд қарор қабул қилишда таянган чет эл хукуки нормалари манбаларининг матнларини иш материалларига мажбурий равишда киритилишини белгилаш зарурати асослаб берилди;

чет эл хуқуқини қўллаш масаласини соддалаштириш мақсадида суъбий интеллект негизида махсус тизимларни жорий қилиш ва уларнинг хуқуқий асосларини яратиш бўйича таклифлар асослаб берилди;

чет эл хуқуқини қўллашдан бош тортиш бўйича барча асосларни ягона модда остига бирлаштириш зарурати асослаб берилди;

халқаро даражада чет эл хуқуқини қўллаш муаммосини ҳал қилишда халқаро хусусий хуқуқнинг асосий принциплари ҳамда халқаро судлар ва арбитражлар амалиёти асосида яратилган коллизия нормаларни ўз ичига олган универсал конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда киёсий тадқиқот олиб бориш бўйича илғор хорижий олимлар томонидан ўрганилган ва тавсия этилган усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётда жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий ҳулосалар, таклифлар ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, чет эл жисмоний ва юридик шахслари иштирокида иқтисодий ва фуқаролик ишларини судда ҳал этиш тартибини такомиллаштиришда, тегишли фуқаролик, фуқаролик ва иқтисодий процессуал нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Халқаро низоларни ҳал этиш», «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи» ва «Иқтисодий процессуал ҳуқуқ» каби ҳуқуқий фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида халқаро хусусий ва оммавий ҳуқуқ фанларини ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

чет эл хукуки нормаларини қўллаш ҳамда уларнинг мазмунини аниқлаш зарурати, чет эл хукуки нормалари мазмунини аниқлашда судлар тегишли ваколатли органларга мурожаат қилиши ва аниқлик киритиши, шунингдек экспертларни жалб этиб уларнинг хулосаларини қўллаш тартибини такомиллаштиришга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 14-моддаси ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 13 ва 14-моддаларида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 19 июлдаги 02/819-сон далолатномаси). Ушбу таклиф чет эл хукуки нормаларини қўллаш ҳамда уларнинг мазмунини аниқлаш зарурати, чет эл хукуки нормалари мазмунини аниқлашда судлар тегишли ваколатли органларга мурожаат қилиши ва аниқлик киритиши, шунингдек экспертлар жалб этилиши доирасида хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилган;

фуқаролик ва иқтисодий ишлар доирасида ўзаро ҳуқуқий ёрдамни такомиллаштириш, бунда чет эл хукуки нормаларини қўллаш ҳамда хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш механизмларини халқаро шартномалар талабларига мувофиқ қўллашни таъминлаш, бунда фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) қўшилиш тўғрисидаги таклифи ҳамда мазкур Конвенцияга қўшилишнинг ижобий жиҳатлари ва уни хуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш бўйича таклифлари 2019 йил 26 августдаги «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги ЎРҚ-554-сон Қонуни қабул қилинишида эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 5 майдаги 06/1-05/1214-сон далолатномаси). Ушбу таклиф «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) қўшилиш ҳақида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Конвенцияга қўшилиши масаласи ижобий кўриб чиқилишига хизмат қилган;

чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган барча субъектларнинг манфаатларини чет эл хукуки томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига чет эл хукуки нормаларини қўллаш, уларнинг мазмунини аниқлаш, императив нормалар ва оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳни қўллашга доир нормаларни миллий кадрятлар ва манфаатлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сон фармойиши ва унинг асосида тайёрланган янги Фуқаролик кодекси лойиҳасида эътиборга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги далолатномаси). Ушбу таклиф чет эл элементи билан мураккаблашган

муносабатлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган барча субъектларнинг манфаатларини чет эл ҳуқуқи томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилган;

халқаро даражада чет эл ҳуқуқи қўлланилиши коллизия нормалар ва ўзаролик принципларига асосланганлиги ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида коллизия, моддий ва процессуал нормалар ўзаро алоқадорлиги доирасида комплекс Коллизия ҳуқуқ кодексини ишлаб чиқиши зарурати бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сон фармойиши ва унинг асосида тайёрланган янги Фуқаролик кодексини лойиҳасида эътиборга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги далолатномаси). Ушбу таклиф Фуқаролик кодексига халқаро даражада чет эл ҳуқуқи қўлланилиши коллизия нормалар ва ўзаролик принципларига асосланишида ижобий қўриб чиқилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан 7 та илмий мақола (2 та халқаро нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқини қўллашнинг назарий-ҳуқуқий асослари» деб номланган биринчи бобида тадқиқотнинг кейинги бобларида муҳокама қилинган муаммоларни ишлаб чиқиш учун назарий асоснинг таҳлили ёритилган. Ушбу бобда чет эл ҳуқуқи нормалари ҳамда чет эл ҳуқуқига ҳавола этиш тушунчаси ва моҳияти, чет эл ҳуқуқини қўллаш асослари, чет эл ҳуқуқига ҳавола этишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Чет эл ҳукуки, хусусан унинг мазмуни (моҳияти), ижтимоий муносабатларнинг бошқа тизимига хос бўлган омиллар томонидан юзага келтирилган бўлиб, унинг шаклланишига мамлакатнинг тарихи, иқтисодийёти, маданияти ва сиёсати таъсир қилади. Шу туфайли чет эл ҳукуки миллий ҳуқуқда мустаҳкамланган қоидалардан фарқ қилувчи қоидаларни ўзида мустаҳкамлаши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига кўра, чет эл ҳукуки судлар томонидан ҳуқуқ сифатида қўлланилишига йўл қўйилади. Чет эл ҳукуки нормасини қўллаш, ички ҳуқуқий тартиб учун намунали бўлмаган муносабатлар доирасида, хусусан, давлатимиз ҳудудидан ташқарида юзага келадиган, яъни халқаро хусусий ҳуқуқда қабул қилинганидек, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар доирасида амалга оширилади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар чет эл ҳуқуқий тартиби қўлланилишини талаб қилади ва миллий суд томонидан самарали кўриб чиқилиши мумкин ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини юзага келтиради. Мазкур муносабатларни тартибга солиш учун ҳам чет эл ҳуқуқи қўлланилади, унга миллий ҳуқуққа қараганда тегишли муносабатлар одатийроқ ҳисобланади. Бошқа ижтимоий нормаларга мурожаат мақсади каби чет эл ҳуқуқи нормаларига ҳам мурожаат мақсади бу ижтимоий муносабатларни энг самарали ва одилонга тартибга солишдир, яъни тегишли ҳолатларда миллий ҳуқуқ ёрдамида амалга ошириб бўлмайдиган тартибга солиш ҳисобланади.

Чет эл ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти юзасидан Л.А.Лунц, И.В.Гетьман-Павлова, Л.П.Ануфриева, М.Богуславский, Batiffol H., Lagarde P., Vischer F. каби олимларнинг фикр мулоҳазалари ўрганилиб, чет эл ҳуқуқи аниқ муносабат субъектларининг манфаатларини энг яхши тарзда ҳимоя қилгани учунгина эмас (гарчи кўпинча шундай бўлса ҳам), балки у ушбу муносабат билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган барча субъектларнинг манфаатларини энг яхши тарзда ҳимоя қилгани учун ҳам қўлланилиши аниқланди. Чет эл ҳуқуқининг чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатга нисбатан қўлланилиши ушбу муносабатни унинг ривожланиши кўпроқ табиий тарзда амалга ошириладиган яқин ижтимоий ва маданий муҳитга бирлаштириш имконини бериши намён бўлди.

Чет эл ҳуқуқи қўлланилиши чет эл элементи иштирокидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурияти билан юзага келади ва халқаро хусусий ҳуқуқ назарияси доирасида қўлланилиш учун ўз асосларига эга. Бундай асосларнинг энг дастлабкиси халқаро ҳушмуомалалик (comity) ва ўзаролик тамойиллари (принциплари) бўлиб ҳисобланади. Суд амалиётининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ўзароликни иккита йўл билан изоҳлаш мумкин. Биринчи – бу чет эл судининг ҳукмини тан олишда суд ўзаролик принципини кўзда тутлади; иккинчи – суд ўзаролик принципи борлигини исботлашга мажбур қилади (бошқача номланиши –

салбий ўзаролик)¹. Хушмуомалалик тамойилига мувофиқ, давлат конунлари фақатгина унинг чегаралари доирасида самарага эга, аммо адолат ва давлатлараро биргаликда ҳаракат эҳтиёжлари миллий судлардан чет эл конунлари асосида юзага келган ҳуқуқларни эътироф этишни талаб қилади.

Бугунги кунда, қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги масала ечимида муносабатнинг нафақат ҳудудий жойлашуви, балки бошқа мезонларини ҳам ҳисобга оладиган янги назариялар юзага келган. Ушбу назарияларнинг умумий хусусияти бу қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий тартибларнинг доирасини кенгайтириш ҳисобланади. Одатда, улар қаторига *lex fori* киради. Замонавий назариялар сифатида суд омили тўғрисида америка назарияси, коллизия нормаларни моддийлаштириш назарияси ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ императив нормалари институтининг юзага келишида намоён бўлган коллизия нормаларнинг унилатераллашуви (бир томонлама бўлиши) янги босқичи тўғрисидаги назариялар таҳлил қилинди.

Лекин мазкур назариялардан фарқли равишда халқаро хусусий ҳуқуқда адолат назарияси аҳамиятга моликдир. Мазкур назария, халқаро хусусий ҳуқуқда адолат тамойилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилади ҳамда коллизия ва моддий адолат ғояларини шакллантиради.

Халқаро хусусий ҳуқуқда моддий адолат принципи конунлар коллизиясига асосланган коллизия адолатга зид келиши кўрсатилади. Бунда моддий адолат тамойили, моддий тартибга солиш мазмунини ва муайян низони ҳал қилиш натижасини ҳисобга олишни ўз ичига олади. Шу билан бирга, коллизия адолат, ҳуқуқий муносабатлар географик жиҳатдан локализация қилинган мақбул ҳуқуқий тизимни топишни назарда тутди².

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳозирги ривожланиш босқичида конунлар коллизиясини моддийлаштириш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, ҳар хил турдаги коллизия нормалар, кўп сонли мажбуриятлар (коллизия нормаларнинг муқобил, кумулятив, ёрдамчи ва бошқа турлари) пайдо бўлди. Шунингдек, тортишиш марказини конун чиқарувчидан судларга ўтказадиган «мослашувчан» низолар коидалари қўлланила бошлади. Судларга алоҳида ҳолатларда конун чиқарувчининг тавсияларидан четлашиш ва мустақил равишда энг адолатли ечимни топиш имконияти берилди.

Шундай қилиб, коллизия ҳуқуқ ҳуқуқий муносабатларни турли хил ҳуқуқий тартиблар ўртасида тақсимлашнинг фақат техник функциясини бажармайдиган, фақат халқаро хусусий ҳуқуқнинг анъанавий ҳуқуқий ва техник механизмларига эътибор қаратиб, чегаралараро муносабатларга атайлаб таъсир кўрсатадиган тўлақонли тартибга солиш механизми бўлиб, моддий ва коллизия масалаларини кўриб чиқишда адолат ўрнатишга интилади.

¹ Литвинский Д.В. Признание иностранных судебных решений по гражданским делам (сравнительно-правовой анализ французского законодательства, судебной практики и юридической доктрины). –СПб., 2005. –С. 178-179.

² Асосков А.В. Основы коллизионного права. –М., 2012. –С. 229–259.

Динга асосланган ҳуқуқ тизимига эга бўлган баъзи мамлакатларда чет эл ҳуқуқини қўллашда дин хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу доирада ислом ҳуқуқи, жумладан Мақасид ал-Шариа (ислом ҳуқуқининг мақсадлари) ҳуқуқлар, мулк, соғлиқ, дин ва инсон кадр-қимматини таъминлашга қаратилган қондалар жамланмаси ҳисобланади ва маълум аҳамият касб этади.

Ислом ҳуқуқининг мақсадлари деганда, ислом ҳуқуқи ўрнатилган ва унинг меъёрларининг ҳаммасига ёки кўпчилигига киритилган мақсадлар тушунилади. Ислом ҳуқуқи меъёрларини синчковлик билан ўрганиб чиқкандан сўнг, уларнинг барчаси фойда келтириш ёки зарарни олдини олишга қаратилганлиги аён бўлади¹.

Исломнинг глобал миқёсда тарқалиши, бу дин дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги кўп сонли аҳолининг ҳулқ-атворини белгилаши ва тартибга солиши зарур қондаларни қўллашни талаб этади. Халқаро хусусий ҳуқуқ маконининг шаклланишини ижтимоий тартибга солишнинг бошқа соҳаларида вужудга келаётган хатти-ҳаракатлар меъёрлари ва қондаларини ҳисобга олишга асосланиб, бугунги кунда баъзан дин меъёрлари, ахлоқ, одоб, эстетика соҳасидаги ижтимоий меъёрларнинг ҳуқуқ нормаларида тақрор ишлаб чиқилиши ва имплементация қилиниши зарурати кўринади.

Юқоридагиларга асосан, халқаро шартномалар ислом ҳуқуқи тамойилларини эътиборсиз қолдирадиган ёки унга зид бўлган мамлакатларда Мақасид ал-Шариа қонун ижодкорлиги жараёнида муваффақиятли қўлланилиши мумкинлигини кўрсатиш мумкин. Бинобарин, Мақасид ал-Шариа нормалари Ўзбекистон Республикасининг коллизия қонунчилигида, миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда имплементация қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг ислом давлатлари билан ҳамкорлигини кучайтириш ва ислом молиясини янада кўпроқ жалб этиш имкониятини яратиб беради.

«Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш усуллари ва ўзига хос хусусиятлари» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш институтини ҳуқуқий тартибга солиш манбалари, чет эл ҳуқуқига ҳуқуқий баҳо бериш, чет эл ҳуқуқи нормаларини аниқлаш ва асослантиришнинг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлаш институти қонунлар коллизияси муаммолари билан чамбарчас боғлиқ ва халқаро хусусий ҳуқуқининг умумий масалалар доирасида кўриб чиқилади. Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқини қўллаш презумпцияси мавжуд бўлиб, унга асосан чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш зарурияти кўзда тутилади. Бунда чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлашда қуйидаги муаммолар юзага келади: чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлашни лозимлиги, ушбу мазмунни қандай аниқлаш кераклиги, агарда чет эл ҳуқуқининг мазмуни аниқланмаса қандай юридик оқибатлар юзага келиши мумкинлиги².

¹ Мусфир бин Али аль-Қахтани. Понимание Мақасид Ал-Шариа. Современный взгляд. –Острог, 2020.

² Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право, –М., 2013. –С.211.

Халқаро хусусий ҳуқуқ таркибида кўриладиган чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлаш институти нуқтан назаридан алоҳида аҳамиятга эга, сабаби мазкур муаммонинг ҳал қилиниши жиддий даражада коллизия норманинг талаблари билан белгиланиб, у туфайли чет эл ҳуқуқи қўлланилиши керак бўлиб қолади.

Чет эл ҳуқуқини англашга бўлган умумий концептуал ёндашувга асосан суд ўз ташаббусига кўра ва унга қонун томонидан юклатилган мажбурият туфайли чет эл ҳуқуқи мазмунини *ex officio* (лавозими бўйича) сифатида белгилайди; суд чет эл ҳуқуқини юридик жиҳатдан мажбурий кўрсатмалар тизими сифатида қўллайди. Томонларга эмас, балки ўз талабларини асослаш учун чет эл ҳуқуқига ҳавола қилаётган суд зиммасига чет эл кўрсатмаларининг мазмунини аниқлаш мажбурияти юклатилади. Чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлашнинг мақсади – ишни кўриш учун аҳамиятга эга бўлган ҳақиқатдаги ҳолатларни аниқлаш эмас, балки бўлажак суд қарорининг норматив-ҳуқуқий асосини аниқлаш¹.

Қатор давлатлар қонунчилигида чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлайдиган махсус механизм белгиланган. Масалан, Германия, Мексика ва Украина қонунчилигида чет эл давлати ҳуқуқини қўллашда суд ёки бошқа орган унинг нормалари мазмунини уларнинг расмий талқин қилиниши, қўлланилиш амалиёти ва тегишли хорижий давлатдаги доктринага кўра аниқлайди. Ишда иштирок этаётган шахслар ўзлари ҳавола қилаётган хорижий давлат ҳуқуқи нормалари мазмунини тасдиқлайдиган ҳужжатларни ўз талаблари ва эътирозларини асослаш учун тақдим қилишга, ушбу нормалар мазмунини аниқлашда судга ёки бошқа органга бошқача тарзда кўмаклашишга ҳақли. Австрия, Тунис ва Руминия қонунчилигида² чет эл қонуни мазмуни суд инстанцияси томонидан давлат органлари чиқарган далиллар ёрдамида қандайдир мутахассис хулосаси асосида ёки бошқача усулда аниқланади. Чет эл қонунига ҳавола қилаётган томонга унинг мазмунининг далил-исботини келтириш мажбурияти юкланиши мумкин. Швейцарида чет эл қонуни мазмуни суд томонидан аниқланади. Бунда суд томонларга ёрдам учун мурожаат қилиши мумкин. Мулк ишларини кўриб чиқишда чет эл ҳуқуқининг мазмунини исботлаш томонлар зиммасига юклатилиши мумкин. Буюк Британияда чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш барча ҳолларда томонлар зиммасига юклатилади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш масалалари ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги бир неча манбалар билан тартибга солинади.

Чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш тўғрисида нормалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида (13 ва 14-моддалар), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (1160-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида (238-модда), яъни процессуал бўлгани каби моддий-ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда ҳам мавжуд. Айни

¹ Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право. –М., 2013. –С.211

² Закон Румынии №105 «Применительно к регулированию отношений международного частного права» 1992 г. Ст. 7. (Закон Румынии «О международном частном праве») <https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/041301>

дамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси тегишли қоидаларга эга эмас ва умумий юрисдикциядаги судлар, гарчи Фуқаролик процессуал кодекснинг 26-моддасига кўра уларга меҳнат ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низолар қарашли бўлса ҳам, муайян ҳолларда Фуқаролик кодексининг 1160-моддасига ва Оила кодексининг 238-моддасига мурожаат қилишга мажбур.

Миллий судлар чет эл ҳуқуқини қўлламасликка ҳаракат қилишини ва чет эл ҳуқуқини қўллаш амалиёти жуда камлигини эътиборга олиб (бу эса Ўз навбатида судларнинг ушбу соҳада малака ва тажрибаси етарли эмаслигидан далолат беради), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш тартибини белгиладиган қўшимчаларни киритиш зарур.

Амалда халқаро тажриба, кибермакон хусусиятлари ва халқаро хусусий ҳуқуқ ривожланиш тенденциясидан келиб чиқиб, хусусан Сингапур ва Хитойда миллий манфаатларга ва коллизия принципларга алоҳида эътибор билан ёндашилиши, принципларга суд амалиётида қатъий муносабат бўлиши ва улар қўлланилиши, Туркияда бир кодекс таркибида коллизия ва процессуал нормалар бирлашганлиги ҳамда миллий қадриятлар эътиборга олинганлиги диққатга сазовордир. Шунингдек, Канада ва Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси комплекс кодекс қабул қилиниши, унда умумий тамойиллар, тушунчалар, қўлланиладиган ҳуқуқ масалалари, юрисдикция, процессуал нормалар, қарорларни тан олиш ва ижро этиш масалалари қамраб олиниши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Кўрсатиб ўтилганлар негизда Ўзбекистонда ўзида миллий қадриятлар ва манфаатлар асосидаги коллизия тамойиллар, юрисдикция ҳамда тегишли процессуал нормаларни тўлиқ ақс эттирувчи алоҳида концептуал жиҳатдан янги комплекс Коллизия ҳуқуқ кодексини ишлаб чиқиш зарур бўлиб, ушбу ҳолат бевосита мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри шакллантириш имкониятини яратади.

Амалга оширилган таҳлилга мувофиқ, чет эл ҳуқуқини қўллаш ва унинг мазмунини аниқлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексини тегишли нормалар билан тўлдириш, шунингдек халқаро тажрибага мувофиқ Коллизия ҳуқуқ кодексини қабул қилиниш масаласини кўриб чиқиш зарурлиги намоён бўлмоқда.

Интернетнинг трансгегаравий табиати ва унда юзага келадиган низоларни ҳал қилишнинг мураккаблиги барчага маълум. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси Интернет билан узвий боғланган ва Ўз ҳаётида глобал тармоқ ёки виртуал (кибер) макондаги муносабатлар иштирокчисига айланиб келмоқда. Бу эса кибермаконда низоларни ҳал этиш, юрисдикция ва қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш, хусусан чет эл ҳуқуқини тўғри ва асосли қўлланилишини талаб этади. Жумладан, буни йирик низолар ва суд ишларидан ҳам кўриш мумкин. Интернетда пайдо бўладиган низоларни ҳал қилиш судлар олдида қийин вазифани кўяди - бир давлатнинг Интернетни маҳаллий даражада

тартибга солиш бўйича суверен манфаатларини таъминлаш ҳамда бу жараёнда бошқа давлатларнинг манфаатларига зарар етказмаслик.

Кўп йиллик низолар шуни кўрсатдики, кўплаб даввогарлар ва судлар халқаро масалалар бўйича тегишли чет эл ҳуқуқини чегаралараро Интернет низоларида тўғри қўлланилишини талаб қилмайди. Шу ўринда, суверен хурмат доктринаси бундай ҳолатларда муҳим аҳамиятли бўлиб, глобал олиб ташлаш тўғрисидаги сўровлар юбориш, чет эллик ишлаб чиқариш буюртмаларини бериш ёки Интернетда юрисдикциянинг бошқа турларини белгилашни тақиқламайди.

Ўз навбатида интернет тармоғи янги коллизия нормаларни шаклланишига олиб келмоқда, жумладан сервер жойлашган жой қонуни, хостинг тақдим қилган провайдер қонуни, домен номини рўйхатга олувчи қонуни ва бошқалар. Булар асосида эса маълум низоларда чет эл ҳуқуқини қўллаш зарурати шаклланмоқда.

Биз Ўзбекистон Республикасининг коллизия қонунчилигини такомиллаштиришда глобал тармоқ доирасидаги қонуний суверен давволарнинг ҳуқуқий механизмининг ҳисобга олиниши зарур деб ҳисоблаймиз, акс ҳолда давлатлар бу манфаатларни одатда маҳаллий тармоқ инфратузилмаси устидан жисмоний назоратни қўлга киритиш орқали ҳимоя қилишга киришади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик, махфийлик ва сўз эркинлиги учун катта йўқотишларга олиб келади.

Шу нуқтаи назардан, Интернет тармоғи доирасида тўхматга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш муҳимлигини таъкидлаш лозим. Бунда, бизнинг фикримизча, юрисдикция ва қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашда объектив ва изчил ёндашувга риоя қилган ҳолда ҳуқуқбузарлик содир этилган жой қонунини белгилаш лозим.

Диссертациянинг учинчи бобида «Ўзбекистон Республикасида чет эл ҳуқуқини қўллаш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш» ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этишнинг ҳуқуқий асослари, чет эл ҳуқуқи нормаларини мазмунини аниқламаслик ёки лозим даражада аниқламаслиқнинг ҳуқуқий оқибатлари, чет эл ҳуқуқини қўллаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари таҳлили амалга оширилган.

Жаҳон амалиётини судлар томонидан чет эл ҳуқуқини қўллаш ёки тегишли тартибда қўллашни рад этиш муаммоси мавжуд бўлиб, бу хорижий юридик адабиётларида маълум танқидий таҳлилларга сабаб бўлган. Ҳозирги замон аксарият давлатларининг қонунчилиги қуйидаги иккита институтдан фойдаланиш йўли билан чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш имкониятини кўзда тутди: «оммавий тартиб тўғрисидаги изох» ва «ўта императив (қатъий) нормалар».

Оммавий тартиб муаммоси (ordre public) халқаро хусусий ҳуқуқнинг энг мураккаб ҳуқуқий механизмлари билан боғлиқ. Бу оммавий ва хусусий манфаатлар муносабати, давлат ва унинг суд тизимининг хусусий шахслар ўртасидаги муносабатларга аралашиш чегаралари, томонларнинг ихтиёр

эркинлиги ва миллий қонунларнинг императив нормалари бириктириш эҳтимоли, чет эл қонунининг бошқа давлат ҳудудида қўлланилиши жоизлиги масалаларидир¹.

Инглиз доктринасида ўта императив нормаларга ва оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳга нисбатан умумлаштирувчи тушунча «қутқарувчи изоҳлар» (escape clauses) асосида ёндашади². Мавжуд доктрина, қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти қонунчиликда оммавий тартиб ва унинг қўлланилиши тўғрисидаги қоидаларни аниқлаштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1164-моддасини янги таҳрирда баён этиш заруратини асослайди.

Шулар билан бир қаторда қатъий (ўта) императив нормалар ҳам амалда қўлланилиб келинади. Ўта императив нормаларнинг мазмунини аниқлашда, энг аввало оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий нормаларни аниқ ажратиб олиш зарур. Миллий оммавий нормаларнинг амал қилиши оммавий нормалар ҳар доим устун бўлганлиги сабабли қўлланиладиган чет эл ҳуқуқи томонидан бартараф қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, мазкур институт хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига тааллуқлилиги туфайли уларнинг асосланишини Фуқаролик кодекси 1165-моддаси 1-бандидан фойдаланиб амалга оширишнинг имкони йўқ.

Ўта императив нормаларнинг асосланмаган кенг талқин қилинишига йўл қўймаслик керак, сабаби бу ўта императив нормаларнинг муаммоси қоллизион тартибга солиш концепциясига ҳилоф равишда ҳал қилинишига олиб келиши мумкин. Бу эса мазкур нормаларни қатъий белгилаш ва аниқ кўрсатиб ўтишни талаб этади.

Чет эл ҳуқуқини қўлламаслик маълум шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин бўладиган ҳолат сифатида қаралади. Чет эл ҳуқуқини қўлламаслик сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: чет эл ҳуқуқи тўғрисида етарли маълумот йўқлиги; ундаги муайян муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги; бир йўла икки ёқдан сўров бериб ишга аниқлик киритиш имконини берувчи экспертларнинг йўқлиги; чет эл ҳуқуқи ва инглиз ҳуқуқи бир хил самарага олиб келиши ва ш.к.

Geeroms S., Jaume E. каби олимлар фикрлари, Германия, Австрия, Дания, Норвегия ва Нидерландия каби давлатлар тажрибаси асосида Судга чет эл ҳуқуқини аниқлашда ёрдамлашиши мумкин бўлган органлар рўйхатини кенгайтириш, экспертлар иштирокини таъминлаш механизмлари жорий этилиши, бундай ишларни кўриб чиқиш муддатлари узайтириб берилиши ҳамда чет эл ҳуқуқини рад этиш асослари қатъий белгилаб қўйилиши лозим бўлиб ҳисобланади.

Давлат судларидан фарқли ўларок, арбитраж қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашнинг ягона ва биттагина усули билан чекланиб қолмайди. Арбитраж

¹Карабельников Б.Р. Признание и приведение в исполнение иностранных арбитражных решений: научно-практический комментарий к Нью-Йоркской Конвенции 1958 г. – М., 2001.

²Новикова О.В. Оговорки о публичном порядке и сверхимперативных нормах в английской доктрине международного частного права: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03. – М., 2011. – С. 30.

бўйича миллий ҳужжатларнинг ва арбитраж регламентларининг таҳлили шуни таъкидлаш имконини берадики, агарда томонлар қўлланиладиган ҳуқуқни ўзлари аниқлаш имкониятидан фойдаланмаса, арбитражлар уни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Халқаро арбитраж доктринасида қўлланиладиган ҳуқуқ тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган. Қўрсатилганлар халқаро тижорат арбитражининг назарияси ва амалиётида тўғри ёндашув борлигидан далолат беради. Шунга асосан, халқаро суд ва арбитражларда қўлланиладиган ҳуқуқнинг мазмунини аниқлаш учун ҳуқуқ назариясида шаклланган назарий асослар ва турли ёндашувларни ўрганиш халқаро арбитраж, халқаро суд ва миллий судларнинг қарорлари таҳлили чет эл ҳуқуқини қўллаш бўйича иш юритиш жараёнида миллий қонунчиликда чет эл ҳуқуқи мазмунини белгилаш бўйича стандарт тартиб (қондалар) ишлаб чиқилиши зарурлигини намойён қилади.

Чет эл ҳуқуқининг кейинги тўғри қўлланилишини таъминлаш доирасида сунъий интеллект негизида махсус тизимларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, улар барча ҳорижий ва халқаро ҳуқуқ маълумотлар базасига боғлана олади, уларнинг таҳлилин амалга оширади ва ҳуқуқни қўлловчига зарур маълумотни тайёрлаб беради. Бу борада С. Гулямов, Vuocz Thomas J., Gasson M.N., Johnson D. G., Hallevy G., Allen R. J., Barfield W., Ashley K., Scherer M. каби муаллифлар ҳоълари ва тадқиқотлари ўрганилиб чет эл ҳуқуқини қўллаш ва унинг талқин қилиш доирасида қўйилган мақсадларга эришиш имконини берадиган сунъий интеллект ривожланиши ва қўлланилишининг истиқболли йўналиши бўлиб, унинг хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини таҳлил қилиш, судлар томонидан ўша давлат чет эл нормаларини қўллаш механизмини аниқлаш, у ёки бу нормаларнинг қўлланилиши, юзага келган низоли ҳал қилиш бўйича суд қарорлари намуналарини тайёрлашдан иборат суд фаолиятида қўлланилиши тўғрисида хулоса қилинган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий ҳуқуқида чет эл ҳуқуқини қўллаш масалаларининг назарий ва амалий таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Таҳлил асосида исботландики, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган барча субъектларнинг манфаатларини, тегишли муносабатни яқин ижтимоий ва маданий муҳитга яқинлаштирган ҳолда чет эл ҳуқуқи энг яхши тарзда ҳимоя қилади ва адолатни таъминлашга хизмат қилади. Трансмиллий ижтимоий соҳада адолатни таъминлашда қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш масаласи таҳлили асосида чет эл ҳуқуқини қўллаш доирасида коллизия ёки тўқнашувчи адолат ва моддий адолат деб номланувчи иккита назарий парадигмалар ўртасида ўзаро номутаносиблик мавжудлиги кўрсатиб берилди ҳамда мазкур ҳолат адолат назарияларининг тарихи ва моҳиятини чуқур тушунмаслик натижасида вужудга келганлиги аниқланди. Адолат

назарияларининг батафсил интеллектуал тарихини ўрганиш орқали коллизия адолат ва моддий адолат назариялари аслида бир-бирини тўлдирувчи ва уларнинг турли хил ҳолатлари трансмиллий хусусий ҳуқуқ масалаларида адолатни таъминлаш учун биргаликда хизмат қилиши асосланганлиги.

